

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Жамият акциядорларинин *bod*

2022 йил 15 сентябрдаги навбаидан  
ташқари умумий йиғилиш қарори билан

 Мажлис раиси  
*Ганичев Д.И.*  
(имзо) (Ф.И.Ш.)

**“YUNUSOBOD DEHQON BOZORI” АЖ  
ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ  
түғрисидаги Низоми**  
(янги таҳрирда)

Тошкент шаҳар – 2022 й.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “Yunusobod dehqon bozori” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) ижроия органининг мақомини белгилайди ва унинг фаолиятини, хуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш Жамият Устави ва ушбу Низом билан белгиланадиган ижро этувчи орган – директор томонидан амалга оширилади.

1.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра ижро этувчи орган ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилоти (ишончли бошқарувчи)га берилиши мумкин. Агар жамият Уставида ўзгача қоида назарда тутилган бўлмаса, шартнома шартлари Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

1.4. Мазкур Низом “Акцидорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 марта 166-сон қарори хамда амалдаги бошқа қонунчилик хужжатлари ва жамият Уставига мувофик ишлаб чиқилган.

## II. ДИРЕКТОРНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

2.1. Жамият директори (кейинги ўринларда - директор) акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади (тайинланади). Бунда, директор сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига **икки муддатдан ортиқ** директор бўлиши мумкин эмас.

2.2. Директорни сайлаш тартиби Жамият Уставида белгиланади. Директорни сайлаш қоида тариқасида, хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилади.

2.3. Директор лавозимига танлов ўтказиш тартиби, номзодга кўйиладиган талаблар Жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

2.4. Директорни сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги акциядорлар умумий йиғилишининг қарори йиғилишда қатнашаётган жамиятнинг овоз берувчи акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.5. Директор лавозимига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда акциядорлар умумий йиғилишида қатнашишлари мумкин.

2.6. Директор лавозимига номзод сайлангандан (тайинлангандан) кейин кузатув кенгаши у билан 3 (уч) йил муддатга шартнома тузади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши мумкин. Шартнома жамият

номидан кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Директор билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

2.7. Директорга тўланадиган ҳақ микдори жамият фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини бажарилиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади. Бунда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона рафбатлантириш сиёсати асосида ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлари микдори кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тўловлар микдоридан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари таъкидланади.

2.8. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият Кузатув кенгаши, агар жамият уставига мувофиқ унга бундай хукуқ берилган бўлса, директор билан тузилган шартномани, агар у ушбу шартнома шартларини, жамият уставини қўпол равишда бузса ёки унинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан жамиятга зарар етказса, у билан тузилган шартномани муддатидан аввал бекор қилиш хукуқига эга.

2.9. Жамият томонидан солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига бошқа тўловлар, давлат мақсадли фондлари, иш ҳақи ва дивидендлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик ҳосил бўлганда, шунингдек, кетма-кет икки чорак мобайнода бизнес-режанинг асосий параметрлари бажарилмаган тақдирда, директор билан меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала Жамият Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

2.10. Акциядорлар умумий йиғилишининг директор билан тузилган шартномани бекор қилиш ёки муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисидаги қарори йиғилишда қатнашаётган жамиятнинг овоз берувчи акциядорларнинг - акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.11. Кузатув кенгашининг директор билан тузилган шартномани муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисидаги қарори мажлисда иштирок этаётган кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.12. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши томонидан директорнинг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, унинг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият ижроия органининг раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

### III. ЖАМИЯТ ДИРЕКТОРИНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Директор ваколатига жамиятнинг жорий фаолияти раҳбарлигининг барча масалалари киради, акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашнинг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

3.3. Директор Жамият Уставида, акциядорларнинг умумий йиғилиши ыаорларида, Кузатув кенгаши қарорларида, у билан тузилган меҳнат шартномасида ва қонунчилик билан белгиланган ваколатлари доирасида иш тутади.

3.4. Директор куйидаги хукуқларга эга:

- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ифодалаш;

- жамиятнинг банк ва бошқа молиявий ҳужжатларига биринчи имзолаш хукуки билан банкларда хисоб-китоб, валюта ва бошқа хисобварақлар очиш;

- жамиятнинг мижозлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва корхоналар билан битимлар ва шартномалар тузиш;

- жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этиш;

- ходимларнинг штат жадвалини белгилаш ва тасдиқлаш;

- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жамият ходимларига иш ҳақини (барча турдаги устамалар ва меҳнати билан иштирок этиш коэффициентлари) белгилаш;

- жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни ва жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

- жамият номидан ишончномалар бериш;

- жамият таркибига киравчи корхоналарнинг бошқарув органларида унинг вакилларини жамият номидан овоз бериш бўйича кўрсатма бериш;

- жамият хўжалик таваккалчилигини ва директорнинг жавобгарлигини сугурталашни амалга ошириш;

- жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг ваколатига киравчи ички меъёрий ҳужжатлар бундан мустасно;

- қонунчиликда, жамият уставида ва меҳнат шартномасига мувофик бошқа хукуқларларни амалга ошириш.

3.5. Директорнинг мажбуриятлари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- директор ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиш;
- давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан катъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ифодалаш;
- давлат ва жамият учун муҳим бўлган ахборот ва масалаларни ўз расмий ижтимоий саҳифаларида ошкор қилиш;
- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини ташкил этиш, уни ишончлигилигини таъминлаш, йиллик ҳисботлар ва бошка молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида белгиланган тартибда тақдим этиш;
- ҳар чоракда йиллик бизнес-режанинг бажарилиши, жамият томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги ҳисботи тўғрисида Кузатув кенгашига ҳисбот бериш;
- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатлар жамиятнинг Кузатув кенгаши ёки жамият аудитори талабига кўра тўсикларсиз белгиланган тартибда тақдим этиш;
- жамият ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақланишини таъминлаш, шунингдек тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини Кузатув кенгаши томонидан белгилашни ташкиллаштириш;
- жамиятни ихтисослашган ходимлар билан таъминлаш, шунингдек ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;
- ўзининг ҳамда жамият мансабдор шахсларининг ўкув курслари, семинарлар ва бошка тадбирларда иштирок этиш орқали малакасини оширишни таъминлаш;
- меҳнат ва ички тартиб интизомига риоя қилиниши таъминлаш;
- ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаш;
- жамоа музокараларида ижроия органи вакилларининг иштирокини таъминлаш, жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида катнашиш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва жамиятнинг Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

- агар, жамият томонидан битим тузилишида у аффиланган шахс хисобланган тақдирда, кузатув кенгашини хабардор қилиш;

- жамият мулкини бегоналаштириши, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва үларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кузатув кенгаси билан келишиш;

- жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланишини фақат кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга ошириш;

- ички хужжатларга, амалдаги қонун хужжатларига ва бошқа меъёрий хужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

3.6. Директорнинг аниқ ҳукуқлари ва мажбуриятлари у билан келишилган ҳолда меҳнат шартномасида белгаланади.

3.7. Директор вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидағи лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

#### **IV. ЖАМИЯТ ДИРЕКТОРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Директор ўз ҳукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим ҳамда белгиланган тартибда жавобгар хисобланади.

Агар ушбу банд қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, үларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

4.2. Директор ўз вазифасини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятига етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ жамиятга етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмида жамият олдида жавоб беради.

4.3. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб ҳамидан бир фоизга эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган заарларни қоплаш тўғрисида директорга нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга ҳаклидир.

- агар, жамият томонидан битим тузилишида у аффиланган шахс хисобланган тақдирда, кузатув кенгашини хабардор қилиш;

- жамият мулкини бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва үларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кузатув кенгаши билан келишиш;

- жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк обьектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланишини факат кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга ошириш;

- ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

3.6. Директорнинг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари у билан келишилган ҳолда меҳнат шартномасида белгаланади.

3.7. Директор вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга факат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

#### **IV. ЖАМИЯТ ДИРЕКТОРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

4.1. Директор ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим ҳамда белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Агар ушбу банд қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, үларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

4.2. Директор ўз вазифасини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятига етказилган заарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ жамиятга етказилган заарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмида жамият олдида жавоб беради.

4.3. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган заарларни қоплаш тўғрисида директорга нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.